

ХИТОЙ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛИНИНГ УСТУВОРЛИКЛАРИ

А.А. Исаджанов

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, и.ф.д., профессор в.б.

Аннотация: Мақолада Хитойнинг инновацион ривожланиш моделининг хусусиятлари, ривожланиш омиллари ва устуворликлари кўриб чиқилган. Алоҳида эътибор мамлакатнинг инновацион ривожланишида давлат дастурлари, инновацияларни яратиш ва жорий этишда янги имкониятлар ва механизмларига қаратилган.

Annotation: The article examines the features, development factors and priorities of China's innovative development model. Particular attention is paid to state programs in the innovative development of the country, new opportunities and mechanisms for creating and introducing innovations.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёта инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, Глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ — 50 мамлакатлари қаторига кириш белгиланган [1].

Маълумки, илмий-технологик инновациялар доимо инсоният тараққиётида муҳим роль ўйнаб келган ва кейинги йилларда унинг роли тобора ортиб бормоқда.

Замонавий иқтисодий ўсиш илмий-техникавий тараққиётнинг етакчи аҳамияти ва ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини интеллектуаллаштириш билан тавсифланади. Шу билан бирга, илмий-техник тараққиётнинг умумий шартларини белгиловчи давлат илмий-техник, инновацион ва таълим сиёсатининг аҳамияти ортиб бормоқда [2].

Бугунги кунда илмий-тадқиқот ишларининг интенсивлиги кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди — илмий тадқиқотлар ва илмий-техникавий тараққиёт учун қулай шарт-шароитларни таъминлаган мамлакатлар глобал иқтисодий рақобатда ғолиб чиқади.

Замонавий иқтисодиёт янги маҳсулот, материаллар, технология, ускуналарни яратишини таъминловчи илмий, илмий-техникавий ва инновацион фаолиятга асосланиши зарур. Инновацияларни яратиш ва жорий этишда янги имкониятлар ва механизмларни излаб топиш хўжалик юритиш ва бошқарувни такомиллаштириш муаммоси билан узвий боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамият касб этади.

“Билимга асосланган капитал” (Knowledge-based capital — КВС) ёндашув асосида “номоддий активлар” ёки “интеллектуал капитал” деб аталадиган билимга асосланган капитал (КВС) компаниялар ва муассасалар учун узок муддатли ресурсни ташкил қиласди [3].

КВС активлари табиатан жисмоний эмас ва уларнинг асосий қиймати уларнинг билим мазмуни ва бошқа активларга қиймат қўшиш қобилиятидан келиб чиқади. КВСнинг пайдо бўлиши ва тўпланиши, асосан, инсон капиталига инвестициялар (яъни одамлар ва уларнинг таълим даражаси, қобилиятлари, ижодкорлиги ва инновациялар қобилияти) натижасида юзага келади.

Corrado C., Charles Hulte ва Daniel Siche томонидан таклиф қилинган кенг тарқалган таснифдан сўнг, КВСга инвестициялар учта асосий гуруҳга бўлина бошланди: компьютерлаштирилган маълумотлар (масалан, дастурий таъминот ва маълумотлар базалари); инновацион мулк (масалан, илмий ва илмий бўлмаган илмий-тадқиқот, муаллифлик ҳуқуқлари, дизайн ва савдо белгилари); иқтисодий компетенциялар (жумладан, бренд капитали, реклама ва маркетинг аспектлари, фирмага хос инсон капитали, ташкилий ноу-хау ва имкониятлар) [4].

Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) инновацион ривожланишига ва олиб борилаётган давлат инновацион сиёсатига бағишланган турли хил ишларга қарамай, аксарият ишларда Хитой Халқ Республикасининг инновацион ривожланишнинг омиллари ва устувор йўналишлари, барқарор ривожланиш доирасида инновацион омиллари етарлича ўрганилмаган.

Ушбу муаммоларнинг долзарблиги ва ривожланиш даражаси мавзуни танлашни, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифаларини белгилаб берди. XXI аср бошларида билим ва технология иқтисодий ўсиш учун курашда кучли рақобат устунлигига ва миллий иқтисодиётларнинг ички захираларидан бирига айланиб бормоқда. Инновацион технологияларни жорий этиш натижасида юзага келадиган янги маҳсулот ва хизматлар бозорининг кенгайишига олиб келади ва ўртача саноат кўрсаткичидан юқори фойда келтиради. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳажми ортиб, таълим сифати яхшиланмоқда, умуман, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ошмоқда. Бу, асосан, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг иқтисодий ютуқларини тушунтиради.

Хитойнинг XXI асрдаги стратегик устуворликлари мамлакатнинг анъанавий экстенсив иқтисодиётидан илғор фан ва техника ютуқларига асосланган интенсив типдаги иқтисодиётга ўтиши билан чамбарчас боғлиқ.

Хитой раҳбарияти, 1979-1995 йиллардагидек, яқин 20-25 йил ичиде ресурс талаб қилувчи ишлаб чиқариш асосида иқтисодиётни тиклашни тақрорлаш мумкин эмас, деган хulosага келди [5].

Хитойда “билимлар иқтисодиёти” бўйича мунозаралар шундан иборатки, О.Н. Бороҳ таъкидлаганидек, мамлакатга янги давр томонидан тақдим этилган “тариҳий имконият” ғояси биринчи ўринга чиқди [6].

М.Брутяннинг мақоласи Хитой иқтисодиёти ривожланишининг замонавий хусусиятларини ва содир бўлаётган жараёнларнинг жаҳон иқтисодий ва сиёсий муносабатларига таъсирини ўрганишга бағишланган. Хитойнинг сўнгги бир неча ўн

йилликдаги иқтисодий юксалиши, уни қашшоқ мамлакатдан саноат гигантига айлантирган асосий сабаблар ўрганилади [7].

Хитой иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларининг муваффақиятини белгилаб берган асосий хусусиятлари келтирилган. Қайд этилишича, ХХР миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг дастлабки икки босқичини — омилли модель ва сармояга асосланган модельни муваффақиятли енгиб чиқди. Тараққиётнинг олдинги даврларида тўпланиб қолган муаммоларни енгиш ва иқтисодий фаровонликнинг янада юксалишини таъминлаш учун мамлакат тараққиётнинг янги босқичига — инновацияларга асосланган тараққиётта ўтишни амалга ошириш зарурлиги аниқланди.

Муаллиф ХХР ҳукуматининг инновацион иқтисодиётни ривожлантиришдаги оралиқ муваффақияти, хусусан, 2018 йилда Глобал инновациялар индексида ўн еттинчи ўринни эгаллаганлиги таъкидланган. Фан-техника тараққиёти даражасини акс эттирувчи аксарият мутлақ кўрсаткичлар бўйича Хитой аллақачон дунёда биринчи ўринни эгаллаган ва бунга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтган.

Шу билан бирга, М.Брутяннинг фикрига кўра, ислоҳотларнинг ўзи бир қатор ўзига хос хусусиятлар ва йўналишларга эга бўлиб, улар муваффақиятини белгилаб берди:

- ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги;
- босқичма-босқич ислоҳотлар, тадрижийлиги;
- ислоҳотларнинг мағкуравий хавфсизлиги;
- давлатнинг фаол роли;
- давлат секторини модернизация қилиш ва хусусийлаштириш;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий очиқлик;
- таълим ва фан ролини кучайтириш;
- истеъдодларни ҳам мамлакат ичидаги, ҳам чет элдан жалб қилиш дастурлари;
- қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар.

Айтиш керакки, ХХР минтақадаги энг йирик ва энг жадал ривожланаётган давлатдир. “Глобал тенденциялар 2030: Альтернатив дунёлар” ҳисоботидан кўриниб турибдики, иқтисодий фаоллик маркази Шарқ ва Жанубга ўтмоқда. Хитой 2025 йилга бориб глобал иқтисодий ўсишнинг учдан бир қисмини ташкил қилиши башорат қилинган [8].

2035 йилга бориб “Хитой инновацион типдаги етакчи давлатлар даражасига кўтарилиши”, ҳуқуқий давлат барпо этиш тугалланиб, даромадлар, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовут қисқариши ва узоқ давом этган экологик инқизозга барҳам бериш режалаштирилган.

Ниҳоят, 2050 йилга келиб, “Хитой миллий куч ва халқаро таъсирнинг умумий ҳажми бўйича етакчи давлатлар қаторига кириши” эътироф этилган [9].

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳудудларини шакллантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг бошланғич нуқтаси Гуандун ва Фуцзян провинцияларида махсус анклавларнинг ташкил этилди. Кейин Гуандун провинциясидаги Фуцзянда, Янцзы дарёси дельтасида иқтисодий ҳамкорлик йўналишлари пайдо бўлди, бу ерда Шанхай, Цзянсу ва Чжецзян провинциялари иқтисодий комплекси шаклланди.

В. Гельbras айтишича, Бохай кўрфази соҳилларида иқтисодий ҳамкорлик соҳаларини ривожлантириш бошланди. Бу эрда Пекин-Тянцзинь ишлаб чиқариш мажмӯалари, шунингдек, Ляонинг ва Шандун провинциялари таянч марказларга айланди [10].

М. Ковалев ва В. Син таъкидлашича Хитой давлати барча босқичларда юқори технологияли бизнесга ҳар томонлама ёрдам берди, уни илмий-тадқиқот ишларига инвестицияларни доимий равишда оширишга ундали ва инновацияларни яратишни бошлади. Айтиш мумкинки, Хитой давлат, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида самарали ҳамкорлик триадасини қуришга муваффақ бўлди [11].

Ш. Абдуллаева Ўзбекистон ва Хитой миллий манфаатлари, иқтисодий, илмий ва тарихий-маданий алоқарига эътибор қаратган [12]. Ф. Алиева ташқи савдо алоқалар ривожланишини замонавий босқичида Хитой экспортининг товар ва географик таркиб ўзгаришларини ўзига хос ҳусусиятларини келтириб, унинг ривожданиш тенденциялари таҳлил қилган [13].

Касимова З.Ғ. “Бир макон, бир йўл” концепцияси Хитой ижобий имижини ривожлантишининг мұхим омили сифатида эътироф этиб, Осиё-Тинч океани ва Европа миңтақаларини боғланишига, жаҳон иқтисодиётининг тикланиши ва глобал цивилизациянинг бирлашувига, шунингдек, Хитойнинг халқаро майдонда ўз имижини мустаҳкамлашга хизмат қилишини эътироф этди [14].

Сўнгги йилларда Хитой Халқ Республикаси барқарор иқтисодий ўсиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ислоҳотлар йилларида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) жаҳон иқтисодий тизимида муносиб ўринга эга бўлди.

1970-йилларнинг охирида иқтисодий ўзгаришлар бошланганидан бери Хитойнинг иқтисодий ўсиши ва “очилиши” таъсирчан бўлиб, дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлди. Хитой Халқ Республикасининг стратегик устувор йўналишлари мамлакатнинг анъанавий экстенсив иқтисодиётидан ички истеъмолни ривожлантириш ва инновацияларга асосланган интенсив иқтисодиётга ўтказиш билан боғлиқ.

Хитойнинг иқтисодий ютуқлари, асосан, инновацияларни давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш, самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш, ноёб ва самарали миллий инновацион тизимни яратиш билан белгиланади.

Хитой давлати барча босқичларда юқори технологияли бизнесга ҳар томонлама ёрдам берди, уни илмий-тадқиқот ишларига инвестицияларни доимий равишда оширишга ундали ва инновацияларни яратишни бошлади. Айтиш мумкинки, Хитой

давлат, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида самарали ҳамкорлик триадасини қуришга муваффақ бўлди [15].

Хитой дунёда илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар бўйича етакчи давлат сифатида танилди, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 23,6 % ташкил қилиб АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади (1-жадвал).

1- жадвал

Дунёning етакчи мамлакатларида илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар, млрд. АҚШ долл.

Минтақа/мамлакат	2019 йил, млрд. долл.	2020 йил	
		млрд. АҚШ долл.	Жаҳон харажатлардаги улуси, %
АҚШ	596	568	24.9
Хитой	533	538	23.6
Япония	190	179	7.8
Германия	128	119	5.2
Ҳиндистон	95	92	4.0
Европа	492	458	20.1
Осиё	1041	1026	45

Манба: Кириченко И.В., Кравцов А.А., Мамедьяров З.А., Шелюбская Н.В., Наука и инновации в 2019-2020 гг.: Ресурсное обеспечение, первые посткризисные оценки. 2021. Analysis and forecasting. IMEMO.// Journal, 2021, № 1.

XXRнинг 14-чи беш йиллик миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режасига биноан (2021-2025 йиллар) узоқ муддатли мақсадлар доирасида Хитой Халқ Республикаси умумий модернизацияни амалга ошириш йўналишида инновацион ривожланиш стратегик йўналиш сифатида қабул қилинди [16].

Ривожланишнинг ушбу моделини амалга ошириш қўйдаги асосий босқичларни қамраб олади: 2035 йилга келиб XXR инновацион типдаги етакчи давлатлар даражасига чиқишни режалаштиromoқда; 2050 йилга бориб Хитой Халқ Республикаси миллий куч ва халқаро таъсирнинг умумий ҳажми бўйича етакчи давлатлар қаторига кириш ниятида [17].

Сўнгги уч йилдаги Глобал инновациялар индекси рейтингида келтирилган маълумотларга кўра, XXR дунёning 132 мамлакати ичиде 14-ўриндан 12-ўринга кўтарилиди [18].

2030 йилга келиб Хитой бир қатор инновацион ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаши башорат қилинган, шу жумладан, илмий нашрларнинг сони бўйича (2-жадвал).

2 - жадвал

Айрим мамлакатлар илмий-техник ходимларининг жаҳондаги илмий-техник ходимларнинг умумий сонига нисбатан улуси, (1995 — 2030), %

Мамлакат	1995	2000	2007	2020	2030
Хитой	10.2	10.1	19.7	30,0	35.0
АҚШ	18,3	18.4	19.8	15.0	12.0
Европа Иттифоқи	19.6	15.8	20.1	15.0	15.0
Япония	18.4	15.2	14.6	10,0	8.0
Россия	10.5	7.3	6.5	5.0	5.0

Манба: Фиговский О. Наука и технологии Китая вчера, сегодня, завтра.

https://biorosinfo.ru/upload/file/technologies_china.pdf

Умуман олганда, ХХРда “инновацион иқтисодиёт”ни шакллантириш қўйидагиларни назарда тутади: инновациялар давлат тизимини шакллантириш, унинг асосини саноат ташкилотлари, университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари ташкил этади; корхоналарда инновацион компонентларнинг концентрацияси; фан ва техника ютуқларини реал ишлаб чиқарувчи кучларга айлантиришни рағбатлантириш; илмий-техника ресурсларини жойлаштиришни оптималлаштириш; жаҳон даражасидаги хитойлик олимлар сонини сезиларли даражада оширишга қаратилган “интеллектуал мулк стратегияси”ни ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчидан, Хитой Халқ Республикаси тажрибасидан маълумки, инновацион сиёsat иқтисодий айланмага янги ресурслар: билимлар ресурси, минтақавий имкониятлар, синергия (үйғунлашув), секторлараро ва давлатлараро интеграциялашувнинг жалб қилиниши туфайли, умуман иқтисодий ўсишнинг янги сифатига эришиш учун имкон беради.

Бунда юқори технологик соҳаларга таяниш асосида мамлакат иқтисодиётида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича секторларни ташкил қилиш, экспортни илим сиғимли маҳсулот томонига йўналтириш, янги минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш керак бўлади.

Иккинчидан, ушбу мақсадда қўйидагиларни таъминлаш лозим: жаҳон бозорида рақобатбардош янги маҳсулотни кенгайтириш ва ўзлаштириш; ресурсларни тежайдиган технологияларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ технологияларни ишлаб чиқиш; инновацион жараённинг инфратузилмасини ривожлантириш; йирик интеграциялашган ҳамда кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини амалга ошириш мамлакат саноат салоҳиятини сифат жиҳатдан ўзгартириш, инновациялар бозорини ривожлантиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион тадбиркорликни ривожланишини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, тадбиркорларнинг инновацион фаоллиги самарали таъсир кўрсатади.

Учинчидан, ХХР тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай инновацион муҳит ва самарали миллий инновацион тизимни (МИТ) яратишга қўйидаги омиллар ёрдам беради:

- аниқ шакллантирилган вазифа ва мақсадларга эга бўлган МИТни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли давлат стратегиясини ишлаб чиқиш;
- МИТнинг ташкилий тузилмасини яратиш, унинг субъектлари ўртасида барча турдаги алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг энг истиқболли илмий йўналишлари ва тармоқларини аниқлаш (тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш учун ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш);
- кичик ва ўрта инновацион бизнесни қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларидан, шу жумладан, венчур молиялаштиришдан фойдаланиш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва технологияларни пунктдан қарзга олиш;
- илғор халқаро тажрибаларни жорий этиш.

Тўртинчидан, XXРнинг “Бир макон, бир йўл” стратегик дастури доирасида кўплаб мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Албатта, бу катта салоҳиятдан дарак беради. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари инфратузилма лойиҳалари ва транспорт йўлакларини ривожлантириш, илм-фанни талаб қилувчи ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини кенгайтиришга қаратилган.

Хитой Халқ Республикасининг инновацион ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, энг оқилона ёндашув ва воситаларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайди, илм-фанни талаб қилувчи ва юқори технологияли маҳсулотлар экспортини кенгайтиради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони, <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
2. Исаджанов А.А. Инновационные факторы экономического роста: современные тенденции и национальные приоритеты. //“Экономика и финансы”. Илмий-амалий журнал. Тошкент. 2014. № 9. С.9-17.
3. OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2015: Innovation for growth and society, OECD Publishing, Paris./ http://dx.doi.org/10.1787/sti_scoreboard-2015-en
4. Carol Corrado, Charles Hulten, Daniel Siche. INTANGIBLE CAPITAL AND U.S. ECONOMIC GROWTH. Review of Income and Wealth Series 55, Number 3, September 2009© 2009 The AuthorsJournal compilation © 2009 International Association for Research in Income and Wealth Published by Blackwell Publishing, 9600 Garsington Road, Oxford OX4 2DQ, UK and 350 Main St, Malden, MA, 02148, USA.661/<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/epdf/10.1111/j.1475-4991.2009.00343.x/>

5. Наумов И.Н. Стратегия экономического развития КНР в 1996-2020 гг. и проблемы ее реализации. М.: Институт дальнего Востока РАН, 2001. с. 69.
6. Борох О.Н. «Экономика знаний»: дискуссии в КНР. //Проблемы Дальнего Востока. 2000 г. № 4. С. 58-74.
7. Брутян М.М. Перспективы развития национальной инновационной системы Китая в условиях усложнения международных политico-экономических отношений // Вестник Евразийской науки, 2019 №3, <https://esj.today/PDF/14ECVN319.pdf>
8. Глобальные тенденции 2030: альтернативные миры.
<http://www.2020snn.ru/news.php?readmore=340>
9. XIX съезд КПК обозначил график развития Китая до 2050 года
<http://ekd.me/2017/10/xix-sezd-kpk-oboznachil-grafik-razvitiya-kitaya-do-2050-goda/>
10. Гельбрас В. Цена экономических успехов Китая. //Мировая экономика и международные отношения, 2007, М 9, с. 26-34.
11. Китай в XXI веке — мировая инновационная держава / М. М. Ковалев, Ван Син. — Минск: Изд. центр БГУ, 2017. — 239 с
<https://elib.bsu.by/handle/123456789/190392>
12. Abdullaeva Sh.E. Interrelation of interests of China and Uzbekistan in Central Asia. //“O’zbekiston-Xitoy: tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 21 noyabr 2021 yil. – T.,: TDShU, 2021.- 464-467 b.
13. Aliyeva F. Tashqi savdo aloqalar rivojlanishini zamonaviybosqichida xitoy eksportining tovar va geografik tarkib o’zgarishlarini o’ziga xos xususiyatlari.// //“O’zbekiston-Xitoy: tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 21 noyabr 2021 yil. – T.,: TDShU, 2021.- 474-479 b.
14. Касимова З.Ф. “Бир макон, бир йўл” концепцияси Хитой ижобий имижини ривожлантиришининг муҳим омили сифатида.// //“O’zbekiston-Xitoy: tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 21 noyabr 2021 yil. – T.,: TDShU, 2021.- 468-502 b.
15. Китай в XXI веке — мировая инновационная держава / М. М. Ковалев, Ван Син. — Минск: Изд. центр БГУ, 2017. — 239 с
<https://elib.bsu.by/handle/123456789/190392>